

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 17 ” июнь №ПҚ-4359 “ ” 20 г.

**2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг  
олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг  
давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида**

Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж юқори бўлган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлашни таъминлаш, хорижий тажрибалар асосида олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнига янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усуллари кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, кадрлар буюртмачиларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб тармоқ, ҳудудий ва мақсадли инвестиция лойиҳалари портфелларини инобатга олган ҳолда битирувчиларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш, шунингдек олий таълим муассасаларига чет эл фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини ҳамда қўшимча қабул параметрларини мустақил белгилаш ҳуқуқини бериш зарурати юзага келмоқда.

Ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари орасида соғлом рақобатни кучайтириш, давлат буюртмаси ва табақалаштирилган тўлов-контракт тизимини жорий этиш орқали олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш мақсадида, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда вазирлик, идора, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида 2019/2020 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва кадрлар буюртмачиларининг олий таълим муассасалари битирувчиларига бўлган давлат буюртмаси параметрлари ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларига қабул:

талаб юқори бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари учун олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжнинг давлат буюртмаси асосида;

олий таълим муассасаларининг мавжуд қувватлари, моддий-техник базаси ҳамда профессор-ўқитувчилари таркибидан келиб чиқиб, бўйсунувига кўра вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда олий таълим муассасалари томонидан мустақил равишда белгиланадиган бакалаврият таълим йўналишларига табақалаштирилган тўлов-контракт, магистратура мутахассисликларига базавий тўлов-контракт бўйича қўшимча қабул параметрлари асосида амалга оширилади;

б) ногиронлиги бўлган шахсларга давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларининг (кейинги ўринларда – давлат буюртмаси параметрлари) умумий сонига нисбатан қўшимча икки фоизли давлат гранти асосида ажратиладиган қабул параметрлари бўйича олий таълим муассасаларининг кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклларида бирида таълим олиш ҳуқуқи берилади;

в) тўлов-контракт асосида таълим олаётган барча босқич талабаларига, ўз хоҳишларига кўра тўлов-контракт қийматини стипендияли ёки стипендиясиз шаклда тўлаш ҳуқуқи берилади;

г) давлат буюртмаси параметрлари доирасида олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқитишнинг тўлов-контракт қиймати тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича кундузги ўқитиш шакли учун белгиланган тўлов-контракт қийматидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади;

д) магистр даражасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар қатламини кенгайтириш мақсадида магистратурага қабул қилишда абитуриентларнинг қабул бўйича белгиланган турдош бакалаврият таълим йўналишлари негизидаги магистратура мутахассисликларидан ташқари бошқа магистратура мутахассисликлари (кейинги ўринларда – алоҳида мутахассисликлар) бўйича ҳам танловда иштирок этишига руҳсат берилади. Бунда, алоҳида мутахассисликлар ва уларга мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади;

е) олий таълим муассасалари ректорларига (филиаллар директорлари) бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда чет эл фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини тегишли бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган базавий тўлов-контракт миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш ҳуқуқи берилади.

3. 2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари:

а) бакалаврлар тайёрлаш бўйича:

кундузги таълим шаклига – 80 430 нафар этиб 1-иловага мувофиқ;

**сиртқи таълим шаклига – 19 985 нафар этиб 2-иловага мувофиқ;**

**кечки таълим шаклига – 1 985 нафар этиб 3-иловага мувофиқ;**

**б) магистрлар тайёрлаш бўйича – 7 695 нафар этиб 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмаларига биноан 2019/2020 ўқув йилида соғлиқни сақлаш, маданият ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ тасдиқланган давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) икки ҳафта муддатда Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таклифлари асосида 2019/2020 ўқув йилида халқ таълими соҳасида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ тасдиқланган давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини тасдиқласин.

5. Қуйидагилар:

**2019/2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича алоҳида беш фоизли қабул кўрсаткичлари 6-иловага мувофиқ;**

**2019/2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг сиртқи таълим шакли бўйича алоҳида беш фоизли қабул кўрсаткичлари 7-иловага мувофиқ;**

**2019/2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг кечки таълим шакли бўйича алоҳида беш фоизли қабул кўрсаткичлари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

6. Олий таълим муассасаларига 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг (иш берувчилар) эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кундузги бакалаврият таълим йўналишларига мос бўлган йўналишлар доирасида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

Бунда, ўқишга қабул қилиш тегишли иш берувчиларнинг тавсияси асосида камида беш йил иш стажига эга бўлган ходимлар ҳисобидан кейинчалик ушбу тизимда беш йил ишлаб бериш шarti билан иш фаолиятига мос бўлган бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат натижаларига асосан амалга оширилади.

**7. 2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси таркиби 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Давлат комиссиясига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарурат бўлганда, янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини киритиш учун давлат буюртмаси параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг, шу жумладан республиканинг олис ва бориш қийин бўлган туманларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш учун олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул параметрларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида олий таълим муассасаларининг нуфузи ва ҳудудий жойлашувини ҳисобга олган ҳолда базавий тўлов-контракт қийматидан келиб чиқиб табақалаштирилган тўлов-контракт минимал миқдорининг ягона кўрсаткичларини таълим соҳалари ва республика ҳудудлари бўйича белгилаш;

иш фаолиятига мос бўлган бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат натижаларига асосан ўқишга қабул қилинадиган абитуриентларга тавсия бериш ваколатига эга бўлган вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг рўйхатини тасдиқлаш.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2019/2020 ўқув йилида олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси параметрларини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

9. Белгилаб қўйилсинки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори олий таълим муассасасининг салоҳияти ва ҳудудий жойлашуви, шунингдек абитуриентларнинг олий таълимга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда **табақалаштирилган тўлов-контракт қийматининг Давлат комиссияси томонидан белгиланган минимал бараваридан кам бўлмаган миқдорда** олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгиланади.

Бунда, табақалаштирилган тўлов-контракт бўйича қабул кириш синовлари натижасига кўра олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси параметрлари доирасида ўқишга тавсия этилмаган абитуриентларнинг аризаларига мувофиқ уларнинг **тўплаган баллари қатъий кетма-кетлигига риоя этган ҳолда** амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда:

а) иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартибини ҳамда тавсия этиш ҳуқуқига эга бўлган вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг рўйхатини тасдиқлаш учун;

Молия вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларида стипендияларни тайинлашнинг амалдаги механизмларини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) олий таълим муассасалари томонидан (давлат буюртмаси параметрларидан ташқари) қўшимча қабул параметрларини белгилаш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

в) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилида янги киритилаётган бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

г) тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги киритилаётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малакавий талаблари, ўқув режалари ҳамда фан дастурларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Белгилаб қўйилсинки, 2019/2020 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалаврият ва магистратурага ўқишга қабул қилинган шахсларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни республика ҳудудлари кесимида аниқлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар халқаро ташкилотларнинг молиявий манбаларини жалб қилган ҳолда вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган давлат эҳтиёжларини автоматлаштирилган тарзда йиғиш ва қайта ишлаш орқали меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳаракатини кузатиб боришни ўз ичига олувчи ягона интеграциялашган ахборот тизими яратилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кадрлар буюртмачилари билан биргаликда ҳар йили янги ўқув йили бошлангунига қадар бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва дастурларини меҳнат бозори конъюнктурасининг жадал ўзгариб бораётган шароитларида юқори малакали кадрларнинг иш жойлари талабларига мос келувчи амалий тайёргарлигини таъминлайдиган замонавий фанларни киритиб бориш, ишлаб чиқариш ва реал иқтисодиёт тармоқларида инновацион ҳамда илм-фанга асосланган технологияларни татбиқ қилишни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш юзасидан тегишли ишларни амалга оширсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари  
бакалавриатининг кундузги таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга  
қабул қилиш параметрлари**

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан грант	контракт
	<b>Республика бўйича жами:</b>	<b>80 430</b>	<b>18 180</b>	<b>62 250</b>
	<b>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</b>	<b>61 890</b>	<b>13 163</b>	<b>48 727</b>
<b>1</b>	<b>Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети</b>	<b>2 185</b>	<b>330</b>	<b>1855</b>
5111300	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда	150	30	120
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	835	110	725
5112200	Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)	100	15	85
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:			
	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	325	60	265
	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	75	10	65
	Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили	75	10	65
	Филология ва тилларни ўқитиш: испан тили	50	5	45
	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	150	30	120
	Филология ва тилларни ўқитиш: хитой тили	50	10	40
	Филология ва тилларни ўқитиш: корейс тили	75	10	65
	Филология ва тилларни ўқитиш: япон тили	20	5	15
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	180	20	160
	Маданиятлараро коммуникацияларнинг лингвистик таъминоти (тиллар бўйича)	50	5	45
	Давлат ва нодавлат тузилмаларида ахборот хизмати	25	5	20
	Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (тиллар бўйича)	25	5	20
<b>2</b>	<b>Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети</b>	<b>270</b>	<b>45</b>	<b>225</b>
5152000	Медиадизайн	25	5	20
5220100	Журналистика:			
	Журналистика: босма оммавий ахборот воситалари журналистикаси	40	5	35
	Журналистика: телерадио журналистикаси	40	5	35
	Журналистика: интернет журналистика	25	5	20
	Журналистика: халқаро журналистика	25	5	20
	Журналистика: спорт журналистикаси	25	5	20
	Журналистика: ҳарбий журналистика	25	5	20
5220200	Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар	40	5	35
5220400	Медиамаркетинг ва реклама	25	5	20
<b>3</b>	<b>Ўзбекистон миллий университети</b>	<b>2695</b>	<b>565</b>	<b>2130</b>
5111300	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда	100	20	80
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	100	20	80
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	20	5	15
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:			
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	80	10	70
	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	50	5	45
	Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили	50	5	45
	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	80	10	70
	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	50	10	40
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	50	10	40
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	60	10	50
5120400	Археология	25	10	15

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5120500	Фалсафа	25	10	15
5130100	Математика	140	30	110
5130200	Амалий математика ва информатика	75	15	60
5140100	Биология (турлари бўйича)	130	20	110
5140200	Физика	200	60	140
5140300	Механика	25	10	15
5140400	Астрономия	25	10	15
5140500	Кимё	150	40	110
5140600	География	40	10	30
5140700	Гидрометеорология	20	5	15
5140800	Геология	100	20	80
5140900	Геофизика	50	10	40
5141100	Гидрология (тармоқлар бўйича)	25	10	15
5141200	Геокимё	40	10	30
5141300	Нефть ва газ кимёси	40	10	30
5141400	Полимер ва композицион материаллар кимёси	40	5	35
5141500	Биотиббидёт физикаси	60	20	40
5141600	Фойдала қазилма конларини баҳолаш ва геомоделлаштириш	25	5	20
5210100	Социология	50	15	35
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	150	25	125
5220300	Архившунослик	25	5	20
5230100	Иқтисодидёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5231700	Кадрлар менежменти	50	5	45
5232200	Эконометрика	20	5	15
5232300	Минтақавий иқтисодидёт	25	5	20
5311500	Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича)	60	5	55
5330100	Ахборот тизимларининг математик ва дастурий таъминоти	40	10	30
5330200	Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	60	5	55
5330300	Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)	25	5	20
5410100	Агрокимё ва агротупроқшунослик	40	15	25
5520100	Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)	50	10	40
5610518	Спорт фаолияти: таэквондо (WTF)	25	5	20
5610700	Спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш	25	5	20
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
	Антропология ва этнология	25	10	15
	Тарих ва экскурсия-ўлкашунослик иши	25	5	20
	Табий ва физиологик фаол бирикмалар кимёси	25	5	20
<b>4</b>	<b>Тошкент давлат техника университети</b>	<b>4140</b>	<b>755</b>	<b>3385</b>
	<b>Тошкент ш.:</b>	<b>3075</b>	<b>550</b>	<b>2525</b>
5150900	Дизайн (турлари бўйича)	40	10	30
5231900	Корпоратив бошқарув	25	5	20
5310100	Энергетика (тармоқлар бўйича)	200	30	170
5310200	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)	175	20	155
5310300	Металлургия	90	15	75
5310400	Ҳаво кемаларидан техник фойдаланиш	20	5	15
5310500	Автомобилсозлик ва тракторсозлик	40	10	30
5310600	Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича)	70	15	55
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	150	25	125
5310800	Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича)	120	20	100
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	120	20	100
5311500	Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича)	60	10	50



Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5311600	Кончилик иши (фаолият турлари бўйича)	100	30	70
5311700	Фойдала қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича)	150	20	130
5311800	Гидрогеология ва муҳандислик геологияси	25	5	20
5311900	Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш	40	5	35
5312000	Нефть-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш ва куриш	25	5	20
5312100	Энергоаудит ва саноат корхоналарнинг энергетик текшируви	25	5	20
5312200	Кончилик электр механикаси	40	10	30
5312300	Маркшейдерлик иши	50	10	40
5312400	Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича)	40	5	35
5312500	Энергия машинасозлиги (тармоқлар бўйича)	40	5	35
5312600	Мехатроника ва робототехника	40	5	35
5312700	Интеллектуал муҳандислик тизимлари	25	5	20
5312800	Қуймакорлик технологиялари	25	5	20
5312900	Лазер технологиялари ва оптоэлектроника	25	5	20
5313000	Биотиббиёт муҳандислиги	40	5	35
5313300	Геология-разведка ишларининг техникаси ва технологияси	40	5	35
5313500	Ёруғлик техникаси	50	10	40
5313600	Металларга босим билан ишлов бериш машиналари	25	5	20
5313700	Газ жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш	25	5	20
5313800	Қувур транспорти тизимлари иншоотлари ва уларнинг объектларини таъмирлаш	25	5	20
5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича)	90	20	70
5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлаш ва автоматлаштириш	120	25	95
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	150	20	130
5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)	40	10	30
5321400	Нефть-газкимё саноати технологияси	25	5	20
5321900	Электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси	40	5	35
5322100	Прокат ишлаб чиқариш технологияси	25	5	20
5330200	Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5350700	Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича)	50	5	45
5610100	Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)	50	10	40
5610500	Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича)	25	5	20
5620200	Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш	25	5	20
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	40	5	35
5640100	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги	40	5	35
5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги	25	10	15
	Саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви	25	5	20
	Совутиш, криоген техникаси ва мўътадиллаш тизимлари машиналари ҳамда агрегатлари	25	10	15
	Нефть ва газ саноати машина ва жиҳозлари	50	10	40
	Учувчисиз авиация комплексларининг техник ва технологик эксплуатацияси	20	5	15
	Пайвандлаш технологияси ва жиҳозлари	50	10	40
	Амалий коинот технологиялари	20	5	15
	Авиасозлик	25	5	20
	Озиқ-овқат саноати машина ва жиҳозлари	50	10	40
	<b>Олмалик филиали:</b>	<b>440</b>	<b>75</b>	<b>365</b>
5310300	Металлургия	90	20	70
5311600	Кончилик иши (фаолият турлари бўйича)	100	20	80
5312200	Кончилик электр механикаси	75	10	65

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш	50	10	40
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	50	5	45
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	75	10	65
	<b>Термиз филиали:</b>	<b>470</b>	<b>95</b>	<b>375</b>
5310200	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)	70	10	60
5310600	Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича)	75	10	65
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	25	10	15
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	60	10	50
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	50	10	40
5340600	Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотлари турлари бўйича)	50	10	40
5340800	Автомобиль йўллари ва аэродромлар	40	10	30
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	10	15
	<b>Қўқон филиали:</b>	<b>155</b>	<b>35</b>	<b>120</b>
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	40	10	30
5310800	Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	40	10	30
5321900	Электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси	25	5	20
<b>5</b>	<b>Тошкент давлат иқтисодий университет</b>	<b>820</b>	<b>70</b>	<b>750</b>
5230100	Иқтисодий (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	75	5	70
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5230400	Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5230600	Молия	20		20
5230700	Банк иши	50		50
5230800	Солиқлар ва солиққа тортиш	60	5	55
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	60		60
5231100	Жаҳон иқтисодий ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)	25		25
5231200	Суғурта иши	20		20
5231400	Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5231600	Меҳнат иқтисодий ва социологияси	40	5	35
5231700	Кадрлар менежменти	20	5	15
5231900	Корпоратив бошқарув	25	5	20
5232000	Давлат бюджетининг ғазна ижроси	20		20
5232200	Эконометрика	20		20
5232300	Минтақавий иқтисодий	20	5	15
5232400	Иқтисодий хавфсизлик	30	5	25
5232500	Логистика	20	5	15
5232600	Бизнес-информатика	20		20
5330200	Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	20	5	15
5610200	Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	40	5	35
5610300	Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)	40	5	35
	Рақамли иқтисодий	25		25
	Реклама иши	20		20
<b>6</b>	<b>Тошкент молия институти</b>	<b>495</b>	<b>59</b>	<b>436</b>
5230100	Иқтисодий (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	20	5	15
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5230600	Молия	80	5	75
5230700	Банк иши	50		50
5230800	Солиқлар ва солиққа тортиш	20	5	15
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	50		50
5231200	Сугурта иши	25		25
5231300	Пенсия иши	20	5	15
5231500	Баҳолаш иши	20	2	18
5232000	Давлат бюджетининг ғазна ижроси	20	5	15
5232100	Корпоратив молия	20	5	15
5232400	Иқтисодий хавфсизлик	20	5	15
5232700	Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш	20	5	15
5232800	Электрон тижорат	20	2	18
	Бюджет ҳисоби ва назорати	20		20
	Банк ҳисоби ва аудит	20		20
	Халқаро валюта-кредит муносабатлари	20	5	15
	Молиявий технологиялар (соҳалар бўйича)	25	5	20
<b>7</b>	<b>Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти</b>	<b>925</b>	<b>115</b>	<b>810</b>
5150900	Дизайн (турлари бўйича)	25	5	20
5230400	Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5232900	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	40	5	35
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	80	10	70
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	80	10	70
5320800	Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси	50	5	45
5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	250	25	225
5321200	Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (хом ашё турлари бўйича)	80	10	70
5321500	Технологиялар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	40	5	35
5322000	Пахтани ишлаб чиқаришга тайёрлаш технологияси	50	5	45
5610600	Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича)	40	5	35
5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги	40	5	35
<b>8</b>	<b>Тошкент давлат шарқшунослик институти</b>	<b>560</b>	<b>105</b>	<b>455</b>
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш (шарқ тиллари)	310	60	250
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	40	5	35
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	80	20	60
5120700	Жаҳон сиёсати (минтақалар бўйича)	50	5	45
5120800	Шарқ фалсафаси ва маданияти	20	10	10
5231000	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	60	5	55
<b>9</b>	<b>Тошкент кимё-технология институти</b>	<b>865</b>	<b>185</b>	<b>680</b>
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25		25
5310100	Энергетика (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	40	10	30
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	40	10	30
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	40	15	25
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	100	25	75
5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	140	20	120

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5321300	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	80	20	60
5321400	Нефть-газкимё саноати технологияси	25	5	20
5321800	Резинотехника буюмлари ишлаб чиқариш технологияси	25	5	20
5610100	Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)	25	10	15
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги	25	5	20
	Виночилик технологияси	25	5	20
	Бижғиш маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар технологияси	25	5	20
	Озиқ-овқат саноати машина ва жиҳозлари	25	5	20
	Функционал овқатланиш ва болалар маҳсулотлари технологияси	25	5	20
	Консервалаш технологияси	25	5	20
	Газни чуқур қайта ишлаш технологияси	25	5	20
	Пластмассани қайта ишлаш технологияси	25	5	20
	Ёғочни қайта ишлаш саноати машиналари ва жиҳозлари	25	5	20
	Ёғлар, эфир мойлари ва парфюмерия-косметика маҳсулотлари технологияси	25	5	20
<b>10</b>	<b>Тошкент давлат педагогика университети</b>	<b>2310</b>	<b>455</b>	<b>1855</b>
	<b>Тошкент ш.:</b>	<b>1770</b>	<b>380</b>	<b>1390</b>
5110100	Математика ўқитиш методикаси	90	20	70
5110200	Физика ва астрономия ўқитиш методикаси	90	15	75
5110300	Кимё ўқитиш методикаси	90	15	75
5110400	Биология ўқитиш методикаси	80	15	65
5110500	География ўқитиш методикаси	50	10	40
5110600	Тарих ўқитиш методикаси	50	10	40
5110700	Информатика ўқитиш методикаси	40	10	30
5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	55	5	50
5110900	Педагогика ва психология	80	15	65
5111100	Мусиқа таълими	50	10	40
5111200	Ўзбек тили ва адабиёти	50	15	35
5111300	Она тили ва адабиёти:			
	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти	50	15	35
	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда	80	15	65
	Она тили ва адабиёти: қозоқ тили ва адабиёти	20	5	15
	Она тили ва адабиёти: корейс тили ва адабиёти	25	5	20
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	100	25	75
5111500	Чақириққача ҳарбий таълим	100	15	85
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	25	10	15
5111700	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	100	25	75
5111800	Мактабгача таълим	150	30	120
5111900	Дефектология (фаолият турлари бўйича)	155	25	130
5112000	Жисмоний маданият	50	15	35
	<i>шу жумладан, хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича</i>	<i>15</i>	<i>5</i>	<i>10</i>
5112100	Технологик таълим	50	10	40
5112600	Иқтисодий билим асосларини ўқитиш методикаси	25	10	15
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	40	20	20
	Мактаб менежменти	50	10	40
	Мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси	25	5	20
	<b>Термиз филиали:</b>	<b>540</b>	<b>75</b>	<b>465</b>
5110100	Математика ўқитиш методикаси	70	10	60
5110700	Информатика ўқитиш методикаси	70	10	60
5110900	Педагогика ва психология	70	10	60
5111300	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда	70	10	60
5111700	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	130	15	115
5111800	Мактабгача таълим	130	20	110
<b>11</b>	<b>Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети</b>	<b>620</b>	<b>110</b>	<b>510</b>
5111200	Ўзбек тили ва адабиёти	150	30	120
5112400	Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили	100	10	90

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	200	40	160
5120900	Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти	150	25	125
	Ноширлик иши	20	5	15
<b>12</b>	<b>Андижон машинасозлик институти</b>	<b>595</b>	<b>130</b>	<b>465</b>
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	20	5	15
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5310200	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)	25	5	20
5310500	Автомобилсозлик ва тракторсозлик	50	5	45
5310600	Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича)	40	5	35
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	50	5	45
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	50	15	35
5312400	Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича)	25	5	20
5312600	Мехатроника ва робототехника	25	5	20
5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш	60	20	40
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5610100	Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)	25	10	15
5620100	Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича)	25	10	15
5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги	25	5	20
<b>13</b>	<b>Андижон давлат университети</b>	<b>2115</b>	<b>390</b>	<b>1725</b>
5110200	Физика ва астрономия ўқитиш методикаси	20	5	15
5110700	Информатика ўқитиш методикаси	80	10	70
5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	40	10	30
5110900	Педагогика ва психология	60	15	45
5111100	Мусиқа таълими	50	10	40
5111300	Она тили ва адабиёти:			
	Она тили ва адабиёти: қирғиз тили ва адабиёти	20	5	15
	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда	100	10	90
5111400	Хорижий тил ва адабиёти:			
	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	150	35	115
	Хорижий тил ва адабиёти: немис тили	50	5	45
	Хорижий тил ва адабиёти: француз тили	40	5	35
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	25	5	20
5111700	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	100	30	70
5111800	Мактабгача таълим	150	30	120
5112000	Жисмоний маданият	150	30	120
	<i>шу жумладан, хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича</i>	<i>60</i>	<i>15</i>	<i>45</i>
5112100	Технологик таълим	50	10	40
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:			
	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	125	25	100
	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	80	20	60
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	50	10	40
5130100	Математика	125	25	100
5140100	Биология (турлари бўйича)	125	10	115
5140200	Физика	100	10	90
5140300	Механика	25	5	20
5140500	Кимё	100	10	90
5140600	География	60	5	55
5150600	Вокал санъати (турлари бўйича)	20	5	15

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5150700	Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)	20	5	15
5150800	Рангтасвир (турлари бўйича)	20	5	15
5151200	Амалий санъат (турлари бўйича)	20	5	15
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	20	5	15
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	25	5	20
5220300	Архившунослик	25	5	20
5231600	Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси	25	5	20
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	20	5	15
5610400	Ижтимоий-маданий фаолият	20	5	15
5630100	Экология ва агроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
<b>14</b>	<b>Бухоро давлат университети</b>	<b>2720</b>	<b>615</b>	<b>2105</b>
5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	50	5	45
5110900	Педагогика ва психология	50	10	40
5111100	Муסיқа таълими	100	15	85
5111300	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда	150	60	90
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	150	60	90
5111500	Чақириққача ҳарбий таълим	80	10	70
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	50	5	45
5111700	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	175	40	135
5111800	Мактабгача таълим	150	30	120
5112000	Жисмоний маданият	170	30	140
	<i>шу жумладан, хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича</i>	<i>50</i>	<i>10</i>	<i>40</i>
5112100	Технологик таълим	50	10	40
5112200	Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)	20	5	15
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:			
	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	120	30	90
	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	50	10	40
	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	80	15	65
	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	25	5	20
	Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили	25	5	20
	Филология ва тилларни ўқитиш: тожик тили	25	5	20
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	40	15	25
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	50	15	35
5120400	Археология	20	5	15
5121000	Тарих. Бухоро тарихи	25	5	20
5130100	Математика	125	25	100
5130200	Амалий математика ва информатика	40	10	30
5140100	Биология (турлари бўйича)	100	25	75
5140200	Физика	125	20	105
5140500	Кимё	125	20	105
5140600	География	25	5	20
5141000	Тупроқшунослик	50	5	45
5150600	Вокал санъати (турлари бўйича)	20	5	15
5150700	Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)	20	5	15
5150800	Рангтасвир (турлари бўйича)	20	5	15
5151200	Амалий санъат (халқ амалий безак санъати ва реставрация)	20	5	15
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	20	5	15
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	25	10	15
5210200	Психология (спорт психологияси)	25	10	15
5210200	Психология (оила психологияси)	25	10	15
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5330100	Ахборот тизимларининг математик ва дастурий таъминоти	25	5	20
5410500	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	40	10	30
5610100	Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)	40	5	35
5610200	Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	60	10	50
5610300	Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)	50	10	40

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	40	10	30
	Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (тиллار бўйича)	20	5	15
<b>15</b>	<b>Бухоро муҳандислик-технология институти</b>	<b>1360</b>	<b>307</b>	<b>1053</b>
5150900	Дизайн (пойабзал ва аксессуарлар дизайни)	20	5	15
5232900	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	20	5	15
5310100	Энергетика (тармоқлар бўйича)	25	10	15
5310600	Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича)	60	10	50
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	80	13	67
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	40	10	30
5311900	Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш	20	5	15
5312100	Энергоаудит ва саноат корхоналарнинг энергетик текшируви	25	5	20
5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (қурилиш)	20	5	15
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	60	15	45
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	80	25	55
5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	50	10	40
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	50	15	35
5321200	Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (хом ашё турлари бўйича)	25	5	20
5321400	Нефть-газкимё саноати технологияси	120	27	93
5321500	Технологиялар ва жиҳозлар:	150	25	125
5321600	Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари	80	25	55
5321700	Технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимлари	75	15	60
5330200	Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5340100	Архитектура (турлари бўйича)	40	5	35
5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)	60	5	55
5340500	Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш	60	5	55
5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги	25	12	13
	Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш технологияси	50	20	30
	Деворбоп ва пардозбоп қурилиш материаллари технологияси	50	20	30
	Аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш сервиси	50	5	45
<b>16</b>	<b>Гулистон давлат университети</b>	<b>1840</b>	<b>435</b>	<b>1405</b>
5110500	География ўқитиш методикаси	40	15	25
5110700	Информатика ўқитиш методикаси	50	10	40
5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	50	5	45
5110900	Педагогика ва психология	60	15	45
5111100	Мусиқа таълими	25	5	20
5111300	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда	70	20	50
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	100	25	75
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	40	10	30
5111700	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	100	20	80
5111800	Мактабгача таълим	100	20	80
5112000	Жисмоний маданият	120	25	95
	<i>шу жумладан, хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича</i>	30	5	25
5112100	Технологик таълим	40	10	30
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:			
	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	100	30	70
	Филология ва тилларни ўқитиш: қозоқ тили	25	5	20
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	40	10	30

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5130100	Математика	100	25	75
5130200	Амалий математика ва информатика	25	10	15
5140100	Биология (турлари бўйича)	100	25	75
5140200	Физика	50	15	35
5140500	Кимё	100	25	75
5150600	Вокал санъати (турлари бўйича)	20	5	15
5150700	Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)	20	5	15
5150800	Рангасвир (турлари бўйича)	20	5	15
5151200	Амалий санъат (турлари бўйича)	20	5	15
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	20	5	15
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	25	5	20
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	25	5	20
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	50	10	40
5321200	Табийий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (хом ашё турлари бўйича)	25	5	20
5410100	Агрокимё ва агротупроқшунослик	40	5	35
5410215	Агрономия (анорчилик)	25	5	20
5410500	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	50	15	35
5411100	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси	20	5	15
5411900	Агробиотехнология	25	5	20
5520100	Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)	20	5	15
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	10	15
<b>17</b>	<b>Жиззах политехника институти</b>	<b>1395</b>	<b>342</b>	<b>1053</b>
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	20	5	15
5310100	Энергетика (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5310200	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)	80	15	65
5310600	Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича)	70	15	55
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	60	15	45
5310800	Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	40	10	30
5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (қурилиш)	20	5	15
5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш	25	10	15
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	100	35	65
5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	100	20	80
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	40	15	25
5321200	Табийий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (хом ашё турлари бўйича)	50	10	40
5321300	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	25	10	15
5340100	Архитектура (турлари бўйича)	25	10	15
5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)	100	10	90
5340400	Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича)	60	10	50
5340500	Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш	80	10	70
5340600	Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотлари турлари бўйича)	40	10	30
5340800	Автомобиль йўллари ва аэродромлар	60	10	50
5350700	Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича)	40	10	30



Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5410500	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	50	10	40
5610100	Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)	50	20	30
5620100	Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси	60	10	50
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	12	13
5640200	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги	25	5	20
	Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш технологияси	50	20	30
	Деворбоп ва пардозбоп қурилиш материаллари технологияси	50	20	30
<b>18</b>	<b>Қорақалпоқ давлат университети</b>	<b>2945</b>	<b>606</b>	<b>2339</b>
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	120	30	90
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	20	5	15
5112000	Жисмоний маданият	75	20	55
	<i>шу жумладан, хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича</i>	30	5	25
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:			
	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	125	30	95
	Филология ва тилларни ўқитиш: қорақалпоқ тили	125	30	95
	Филология ва тилларни ўқитиш: қозоқ тили	30	5	25
	Филология ва тилларни ўқитиш: туркман тили	40	5	35
	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	60	10	50
	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	40	5	35
	Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили	80	15	65
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	25	5	20
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	50	5	45
5120400	Археология	25	5	20
5120500	Фалсафа	20	5	15
5130100	Математика	120	30	90
5130200	Амалий математика ва информатика	40	15	25
5140100	Биология (турлари бўйича)	120	20	100
5140200	Физика	120	25	95
5140500	Кимё	120	25	95
5140600	География	50	5	45
5140700	Гидрометеорология	20	5	15
5141000	Тупроқшунослик	50	5	45
5150600	Вокал санъати (турлари бўйича)	20	5	15
5150700	Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)	20	5	15
5150800	Рангасвир (турлари бўйича)	20	5	15
5151200	Амалий санъат (турлари бўйича)	20	5	15
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	20	5	15
5210100	Социология	25	5	20
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	50	15	35
5220100	Журналистика (фаолият турлари бўйича)	50	11	39
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	50	5	45
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	20
5230600	Молия	50	5	45
5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	50	5	45
5240100	Юриспруденция (фаолият турлари бўйича)	100	10	90
5310100	Энергетика (тармоқлар бўйича)	40	10	30
5310200	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)	40	10	30
5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича)	40	10	30
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	50	10	40
5311500	Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича)	70	10	60
5311900	Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш	55	20	35
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	25	5	20
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	25	5	20

Шифр	Вазирлик, идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари номи	2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари		
		Жами	шу жумладан	
			грант	контракт
5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	50	10	40
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	40	10	30
5321300	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	50	15	35
5340100	Архитектура (турлари бўйича)	70	10	60
5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)	50	10	40
5340300	Шаҳар қурилиши ва хўжалиги	50	10	40
5340400	Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича)	70	15	55
5340500	Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини	40	10	30
5340800	Автомобиль йўллари ва аэродромлар	40	10	30
5411100	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси	60	10	50
5610300	Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)	40	5	35
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	40	15	25
	Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (тиللар бўйича)	25	5	20
<b>19</b>	<b>Қарши давлат университети</b>	<b>2080</b>	<b>460</b>	<b>1620</b>
5110500	География ўқитиш методикаси	60	10	50
5110700	Информатика ўқитиш методикаси	60	20	40
5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	50	5	45
5110900	Педагогика ва психология	40	10	30
5111100	Мусиқа таълими	50	5	45
5111300	Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда	80	25	55
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	180	30	150
5111500	Чақириққача ҳарбий таълим	25	5	20
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	30	5	25
5111700	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш	110	30	80
5111800	Мактабгача таълим	100	35	65
5112000	Жисмоний маданият	80	25	55
	<i>шу жумладан, хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича</i>	<i>50</i>	<i>15</i>	<i>35</i>
5112100	Технологик таълим	50	5	45
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:			
	Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили	110	40	70
	Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	50	10	40
	Филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	40	5	35
	Филология ва тилларни ўқитиш: француз тили	40	5	35
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	80	10	70
5130100	Математика	100	25	75
5130200	Амалий математика ва информатика	60	15	45
5140100	Биология (турлари бўйича)	100	20	80
5140200	Физика	100	25	75
5140500	Кимё	100	20	80
5150600	Вокал санъати (турлари бўйича)	20	5	15
5150700	Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)	20	5	15
5150800	Рангтасвир (турлари бўйича)	20	5	15
5151200	Амалий санъат (турлари бўйича)	20	5	15
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	20	5	15
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)	50	5	45
